

Наврӯз байрами урф-удумлари, урф-одатлар

Усмон Санақулов- филология фанлари доктори,

Абдумалик Қурбонов –мустақ ил тадқиқотчи.

Баъзи бир анъаналар ўзининг ижобий таъсирига, умрбоқийлигига кўра маънавий қадрият даражасига кўтарилади. Шарқ халқларининг ана шундай умрбоқий маънавий қадриятларидан бири Наврӯз ҳисобланади . Бу байрам бир неча минг йиллик тарихга эга. Наврӯзнинг узоқ тарихи ва урф-удумлари ҳақида қуйидгича маълумотлар мавжуд .

Халқимизнинг турмуш тарзида йил таквими билан боғлиқ турли хил анъанавий удумлар, урф-одат ва маросимлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси Шарқ халқларининг қуёш таквимидаги биринчи кун бўлмиш Наврӯз (форсча-нав, яъни янги, рӯз, яъни кун маъноларида) байрамидан бошланади. Наврӯз энг қадимий анъанавий байрамлардан саналади. “Наврӯз байрами” 21 март куни, баҳор куну-тун тенглиги пайтида нишонланади. Бу табиатнинг уйғониши, экин ишларининг бошланиш байрами бўлиб, ушбумаросимларда зардуштийлик аломатлари сақланиб қолган. Қадимги Ўзбекистоннинг зироатчилик воҳаларида ҳар баҳор фаслида катта сайллар, байрамона бозорлар ташкил этилган. Анъанага кўра уйларда ҳозир ҳам турли-тман таъомлар, хусусан, “бўғирсоқ”, “чўзма”, “ўтбичак” кабилар пиширилади ва маросим таоми – «сумалак» тайёрланади. Байрамдан кейин одатда даладаги экин ишлари бошланган, шу пайтда ўтмишда турли урф-одатлар ва маросимлар бажарилган.

Давлат мустақиллиги даври мобайнида Наврӯзни нишонлаш янгича кўлам ва теранликка эга бўлди. У дўстлик, барча халқларнинг бирлашуви, ака-укалигининг умуммиллий байрамига айланди. Ёрқин ранг-баранг театрлаштирилган томошаларда Наврӯзнинг фалсафий-шоирона талқини, унинг халқ тарихидаги ўрни намоишкорона кўрсатилади.

Биз катта тантаналар билан нишонлаётган улуғ айём, баҳор байрами - Наврӯзни аجدодларимиз табаррук кун деб билиб, уни катта қувонч ва хурсандчилик билан ўтказишга ҳаракат қилганлар. Наврӯз Ер ҳақидаги дастлабки илмий-географик тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб шаклланган бўлиб, дастлаб ушбу байрамни ўтказиш ўтроқ деҳқонларда, сўнгра ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатларига айланган. Ўрта аср муаррихлари унинг вужудга келиш тарихини бундан уч, уч ярим минг йил олдин бўлган деб ёзган бўлсалар, замонамиз тарихчилари Наврӯзнинг тарихий илдизларини тош асри (милоддан аввалги 10-5 минг йиллар)га бориб такалади, деган хулосани билдирадилар.

Тарихий илдизлари жуда чуқур бўлган ушбу байрам Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларида анча қадим даврлардан таркиб топган тантана бўлиб, унинг қадимий анъана эканлигини исботловчи қатор тарихий ёзма манбалар ва тарихий асарлар мавжуд. Жумладан, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Абу Мансур Салабий, Умар Ҳайём сингари буюк сиймоларнинг тарихий, илмий ва адабий асарларида Наврӯзнинг келиб

чиқиши, унинг ўзига хос қадимий расм-русумлари ва маросимлари тўғрисида кизиқарли маълумотлар мавжуд. Ўрта асрларнинг машҳур қомусий олимлари асарларида Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи афсонавий шоҳлар Қаюмарс, Жамшид ва Сулаймон билан боғлаб талқин қилинади. Наврўз байрам тарзида нишонлана бошлангандан бери ўтган турли ҳукмдорлар ва давлат хизматида бўлган юқори мартабали тарихий шахслар ҳам ушбу байрамни нишонлашга турфа хил муносабат билдирганлар. Замонамизда эса мазкур миллий байрамга жуда катта эътибор берилиб, турли ҳудудларда ўзига хос тарзда нишонланмоқда. Жумладан, республикамиз вилоятларининг барча туманларида ҳам баҳор келиши билан ёшу-қари ушбу байрамни интиқлик билан кутадилар ва унга тайёргарлик кўрадилар.

Наврўз билан боғлиқ удумларни иккига: байрамдан олдин ва байрамдан кейин ўтказиладиган маросимларга бўлиш мумкин. Байрамгача бўлган тадбирларга экин-тикин ишларига тайёргарлик кўриш, кўчалар, ҳовли-жойлар, зиёратгоҳ ва мазорларни тозалаш, байрам таомларини пишириш кабилар киради.

Наврўз олдидан вилоятимизнинг барча туманларида кўчалар, қишлоқ қабристонлари, атроф-муҳит тозаланиб, янги йилнинг барча учун хайрли келишини Оллоҳдан сўраб "худойи", "дарвешона" каби маросимлар ўтказилади. Одамларнинг ўзлари ҳам янги йилни покланган ҳолда кутиб олишга ҳаракат қиладилар. Шу билан биргаликда барча суғориш тармоқлари (канал ва ариқлар) лойқадан ҳашар усулида тозаланиб, сув йўллари равон қилинади.

Аждодларимиз қадимдан эрта баҳорда янги йилда сувнинг мўл-кўл бўлишини ният қилишиб, қурбонлик маросимларини ўтказиб келганлар. Мазкур анъаналар ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Халқимизнинг қадимий анъанасига кўра, "Наврўз байрами" ҳут ойининг охириги кечаси оила даврасида ўтказиладиган "қозон тўлди" удуми билан бошланган. У соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир хонадон ўз имконияти доирасида тансиқ таомлар тайёрлаб, ўтган аждодлар руҳига "ис" чиқарадилар. "Қозон тўлди" оқшомида барча идишлар сувга тўлдириб кўйилган. Халқ қарашларига кўра, сув тўлдирилган идишларга тангрининг марҳамати билан қут-барақа тўлади деб тасаввур қилинган.

"Қозон тўлди" оқшомида ҳар бир хонадон қозонларини тўлдириб бирор лаззатли таом тайёрласа, келаётган йилда ҳосил мўл бўлади деган қарашлар мавжуд бўлиб, унинг тарихий асослари милоддан авалги VI-VII асрларга хос "Авесто" китобида қайд қилинган "Хамаспаета" байрами билан боғланади. Қадимда бу удум эзгу руҳларнинг янги йил арафасида ўзлари яшаган хонадонга ташриф буюриши билан алоқадор маросим сифатида ўтказиб келинган. Байрам дастурхонларининг безатилиши хўжалик машғулоти билан ҳам боғлиқ бўлган. Масалан, деҳқонларнинг дастурхони зироатчилик неъматлари билан тўлса, чорвадорларнинг дастурхонида гўшт ва сут-қатик маҳсулотлари кўпроқ бўлган.

Уй бекалари ушбу кунда ҳар йилги одатларига кўра "уй кўтарди", яъни уйдаги гилам, кигизларни ташқарига олиб чиқиб ёядилар, ҳаммаёқни

супуриб-сидирадилар, қиши билан исинишга мослаштирилган печка ва сандалларни олиб ташлайдилар. Шу куни танадаги бодни қувиб чиқариш учун маросимий ўрик туршагидан тайёрланган шарбат ичилади.

Миришкор деҳқонлар Наврўз арафасида етти тахтача устига буғдой, арпа, шоли, жўхори, тарик, жавдар, мош каби донли экинларнинг уруғларини ёйиб қўйиб, ҳар куни сув сепиб турганлар. "Қозон тўлди" куни ана шу донларнинг унишига қараб, келаётган мавсумда қайси экиндан мўл ҳосил олиш мумкинлигини чамалаганлар. Ушбу одат дастлаб сосонийлар даврида шоҳ саройида ўтказилган бўлиб, янги йилнинг қандай келишини олдиндан тахмин қилганлар. Булардан ташқари "Наврўз байрами" бошланадиган кун - 21 марти ҳафтанинг қайси кунига ва қайси мучал ҳайвонига тўғри келишига қараб ҳам келгуси йил тўғрисида турли тахмин, башоратлар қилинган.

Мамлакатимизда табиатда бўлаётган ўзгаришларга алоҳида эътибор берувчи башоратчилар - синчков кишилар табиат аломатлари ҳамда узоқ ўлкаларга учиб кетган қушларнинг қайтиб келиш вақти ва уларнинг ташқи кўринишларини кузатиб, янги йилда об-ҳавонинг қандай бўлиши тўғрисида турли тахминларни билдирадилар. Шунингдек, "Янги йил"нинг, яъни "Наврўз"нинг дастлабки кунлари ҳам қандай келишини айтганлар. Масалан, озарбайжонликларда Наврўзнинг биринчи куни баҳорни, иккинчи куни ёзни, учинчи куни кузни, тўртинчи кунги об-ҳаво эса қишнинг қандай келишини билдиради. Ҳар йили Наврўз байрамида дошқозонларда сумалак, ҳалим ва бошқа баҳорий таомлар пиширилади.

Ушбу таомлар ичида энг кенг тарқалгани сумалак бўлиб, бу таомни тайёрлашнинг ўзи алоҳида бир маросим ҳисобланади. "Сумалак" калимаси "шарбат учун ундирилган арпа" ёки буғдой маъноларини англатувчи қадимий туркий сўз "сума"дан келиб чиққан. Муҳаммад Ҳусайн Бурхоннинг "Бурхони қотъи" асарида (1650 й) "саману - ҳолвайтарга ўхшаган нарса, уни кўклаган буғдой ўсимталарининг ширасидан тайёрланади", деб изоҳланади. Сумалак пишириш ишларига ёши улуғ, кўп фарзандли, халқ орасида катта ҳурмат қозонган аёллар етакчилик қилиши ва сумалак ўчоғидан одамлардаги шамоллашни ҳайдовчи восита сифатида фойдаланиб, фарзанд кўрмаётган жувонларнинг сумалак ўчоғига кириб ўтиришлари сумалакнинг ҳосилдорлик култи (сиғиниши) билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

Улкан мис қозонлар қадимдан муқаддас саналиб, уларда тангрилар шарафига махсус таомлар пиширилган. Серҳосиллик тимсоли ҳисобланган бундай қозонларда пиширилган сумалакдан тановул қилган кишига йил бўйи омад, қут-барака ёр бўлади деган қарашлар мавжуд бўлган. Бир идишда таом истеъмол қилиш одамларни ўзаро яқинлаштиради деган қадимий қарашларга ҳамоҳанг ҳолда битта қозонда байрам таомларини тайёрлаш ҳам кишиларни ғоявий жиҳатдан бирлаштиради дейишимиз мумкин.

Баъзи ҳудудларда, масалан, 21 март куни тенгқурларнинг ёки яқин кўни-қўшниларнинг барчаси бирор хонадонда тўпланиб, сумалак пиширадилар ва тонггача ўйин-кулги қиладилар. Сумалак пиширилаётган бошқа жойларга ҳам ташриф буюришиб, ҳамқишлоқларини, ҳаммаҳалаларни

байрам билан табриклайдилар. Бу каби одатлар инсонлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибатни янада кучайтиради.

“Наврўз байрами” кунни кишиларнинг бирор бир меҳнат тури билан шуғулланиши маъқулланмаганлиги боис ёшу-қари бу кунни байрам тарзида, хурсандчилик билан нишонлашга ҳаракат қилган. Бутун дунё халқларида мавжуд бўлган "биринчи кун магияси"га кўра янги йилнинг биринчи кунни қандай кутиб олинса, йил бўйи ўша кайфият одамларга ҳамроҳ бўлади деган қарашлар мавжуд.

Байрам кунни эрта тонгдан одамлар оламдан ўтган аجدодларини хотирлаганлар, муқаддас жойлар-мозорларни, ота-оналари, қариндош-уруғларини зиёрат қилганлар. Сўнгра байрам сайлгоҳига борадилар. У ерда турли томошалар: улоқ, кураш, дорбозлик ўйинларидан, кечга қадар давом этган созанда ва машшоқларнинг куй-қўшиқларидан баҳрамад бўлишган. Болалар турли рангларга бўялган тухумларни уриштириб, варрак учириш мусобақаларини ўтказишган. Байрамда ўргатилган хўроз, ит, қўчқор, туяларни ўзаро уриштириш каби томошалар бўлган.

Қадимдан одамлар урушаётган ҳайвонларни ҳосиятли ва ҳосиясизга бўлишиб, уларнинг қайси бири ютиб чиқишига қараб янги йилнинг "ҳосиятли" ва "ҳосиясиз" келишини тахмин қилганлар. Қиз-жувонлар эса боғ ва сайилгоҳларда қадимий одатлардан бўлган арғимчоқ-ҳалинчак учганлар. Арғимчоқ учиш дунёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлиб, балоғатга етганлик рамзи ҳисобланади. Қишлоқларда арғимчоқ арқонлари асосан ўрик дарахти шоҳларига боғланиб, ҳалинчак учаётганлар иложи борица баландроқ учиб, энг баланд шоҳчадаги ўрик гули ёки ғўра (довучча)ни узиб олишга ҳаракат қилганлар. Кимки бунга эришса унинг барча истаклари рўёбга чиқади, деб қаралган. Қадимдан “Наврўз байрами” қишлоқ жойларда далага қўш чиқариб, уруғлик дон сепиш билан якунланган. Ушбу маросимлар ҳам бир неча босқичлардан иборат бўлиб, "шоҳмойлар", "уруғ сепиш", "қўш оши" кабиларни қамраб олади. Мазкур маросимларнинг тарихий илдизлари миллоддан аввалги III минг йиллик охири III минг йиллик бошларига бориб тақалади ва қадимий эътиқодлар билан боғлиқ бўлиб, ҳафтанинг белгиланган кунларида ўтказилган.

Далага биринчи қўш чиқарилган кунни Бободехқонга атаб бирор бир ҳайвон, кўпинча қўчқор сўйилган ва маросимий таом тарзида "қўш оши", "қўш гўжа", "худойи шўрва" пиширилган. Баъзи ҳудудларда эса ерга уруғ қадашдан олдин дала бошида жонлиқ (одатда хўроз) сўйилади. Йил баракали, унумли келсин деган ниятда бу ишни барваста ва бўйдоқ ўспиринга бажартирганлар. Энг кекса уста деҳқон фотиҳа берганидан сўнггина худодан мўл-кўл ҳосил сўраб, яхши ниятлар қилишиб ишга киришилган. Қурбонлик ҳайвон гўштидан палов ёки шўрва каби таомлардан бири тайёрланган. **"Қозон тўлди" кунги "ис" ёғига бўғирсоқ, ўйма-қатлама, чўзма кабилар пиширилган ёғ билан хўкиз шоҳларини, бўйинларини ҳамда бўйинтуруқни мойлаганлар.** Кексаларнинг айтишича, шундай қилинса хўкиз мугузлари бақувват, бўйинини бўйинтуруқ яра қилмайдиган, хўкизларнинг ўзи эса меҳнатдан чарчамайдиган бўлади.

Замонамизда ҳам янги йилдаги биринчи иш кунида далаларда ёки муқаддас ҳисобланган бозор ва зиёратгоҳларда худойи қилиш одати мавжуд бўлган, Умуман олганда, деҳқончиликда ҳар қандай ишнинг бошида Бободеҳқон рамзидаги кекса кишилар турган. Оксоқол кучи етишига қараб бир, уч ёки беш марта, умуман тоқ марта ер ҳайдашда ҳўкузларни бошқариб бориб келган, сўнгра ҳўкизлар толиқишининг олдини олиш мақсадида биринчи ҳайдов куни тугатилган. Маросимдан сўнг барча деҳқонлар ҳўкизларини етаклаб ўз уйларига қайтганлар ва байрамни давом эттирганлар.

Умуман олганда, "қўш чиқариш", "шоҳ мойлар", "қўш оши", "уруғ сепиш" номлари билан айтилувчи маросимлар деҳқонларнинг янги йилдаги биринчи иш куни бўлиб, "биринчи кун магияси (сиғиниш удуми)" билан боғлиқ ҳолда иложи борица хурсандчилик билан кутиб олишга ҳаракат қилинган. Неча минг йиллик тарихга эга бўлган "Наврўз байрами"ни манбалар асосида таҳлил қилар эканмиз, у билан боғлиқ маросимлар орасида қуйидаги умумийликни кўришимиз мумкин: олов ёқиш; бир-бирларига сув сепиш ёки чўмилиш; башорат қилиш; ўрик туршаги сувини ёки афсун, дуо ўқилган сув ичиш; "қозон тўлди" маросими; пишириб, турли рангларга бўялган тухумлар билан боғлиқ одатлар; баланд жойлар-тепаликларга, мазорларга, муқаддас жойларга чиқиш, зиёрат қилиш; бир-бирларини ва ота-оналарни йўқлаш; қиз-жувонларнинг арғимчоқ учишлари; шаҳардан ташқарида сайл, улоқ, кураш уюштириш ва ҳоказолар удумларимиз мавжуд бўлган.

Хуллас, юқорида келтирилган Наврўз билан боғлиқ барча урф-одатлар замирида халқнинг ягона эзгу нияти - янги йил ҳосилдорлик, мўл-кўлчилик йили бўлсин, деган умид-истаги ётади. Қадимги аجدодларимизнинг дунёқараши, маънавий савиясининг ёрқин наъмунаси бўлган Наврўз табиат ва ҳаётнинг қайта туғилиши билан бирга, поклик ва шодлик, маънавият ва бирдамлик, миллий ифтихор, ўзликни англаш ва ҳамжиҳатлик рамзи ҳисобланиб, баҳорий маросимларни бошлаб беради ва бутун бир фаслни ўз ичига қамраб олади.